*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
**19 ноябрь**
ШАНБА
**№ 94** (12938)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кучли фуқаролик жамияти сари

*Вилоят ҳокимлигида Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бошқа дастурларнинг ижро этилиши юзасидан депутатлик назорати самаралари: ютуқлар, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида минтақавий семинар ташкил этилди.*

## ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ: ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР, ВАЗИФАЛАР

Анжуманда сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўлида кўплаб самарали ишлар амалга оширилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, хусусан, сўнгги йилларда қонунчиликка киритилган янги нормаларни амалга ошириш механизмлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бошқа дастурлар ижроси устидан олиб борган фаолияти хусусида фикр юритдилар. Бу борада эришилган натижалар, ўз ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар таҳлил қилинди.

– Анжуманда маҳаллий кенгашлар назорат фаолиятини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар аниқ мисоллар асосида белгилаб берилди, – дейди семинар иштирокчиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Камола Ҳамидова. – Айниқса, кун тартибидаги масалалар юзасидан депутатлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров ҳар биримизни ўз фаолиятимизга танқидий назар ташлашга, янада фаол бўлишга ундади.

Тадбирда маҳаллий кенгашлар ва улар қошидаги доимий комиссиялар иш сифати ва самарадорлигини ошириш, маҳаллий кенгашлар назорат фаолиятини такомиллаштириш, бунда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди.

**Фарҳод ТОЛИПОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Сайлов – 2016





Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашувидаги маърузаси чоп этилмоқда.

Мазкур маъруза Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

**2-3-саҳифаларга қаранг.**

## САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

*Кеча Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.*

Учрашув видеоконференция тарзида ташкил этилиб, унда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан партия фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш идоралари вакиллари, хотин-қизлар, ёшлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Тадбирни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдужаббор Сайдуллаев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Шуҳрат Насимов иштирокчиларни Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Учрашувда Президентликка номзод Сарвар Отамуратов ўз Сайловолди дастури юзасидан маъруза билан чиқди. Хусусан, дастурда тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар илгари сурилаётганини қайд этди.

Сарвар Отамуратов ўз Сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида гапирар экан, сайловчилар эътиборини миллий иқтисодиётни янада равнақ топтириш, жумладан, саноат, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жадал қўллаб-қувватлаш орқали миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлардан муҳофаза этиш, шу билан бирга, соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиш каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Оилавий муносабатлар, мерос, уй-жой даъвоси ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларга эътибор қаратди.

Номзоднинг фикрича, халқимизнинг асл маънавий мулки бўлган номоддий меросни асраб-авайлаш, айниқса, хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган бойликларни мамлакатимизга қайтаришнинг фурсати етди.

Сарвар Отамуратов мамлакатмизнинг барча ҳудудлари қатори пойтахт вилоятида ҳам маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, ислоҳотлар изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш борасида ҳам фикр ва қарашларини ўртага ташлади.

Учрашувда номзоднинг Сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб сўзга чиққан Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти раҳбари Н. Қорабоева, меҳнат фахрийси Н. Жўрабоев, "Ҳунарманд" уюшмаси Олмалиқ шаҳар бўлими раиси М. Ўлмасова, ЎзМТДП Чиноз тумани кенгаши раиси Ш. Низомиддинов ва бошқалар сайловчиларни Президентлик сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Алишер РАҲМАТОВ.**
*Нодирбек ТОҲИРОВ олган суратлар.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

## МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ, 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 10-Тошкент вилояти сайлов округи ҳудудида ташкил этилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш 2016 йил 24 ноябрь куни бошланиб, 2 декабрь куни якунланиши тўғрисида барча сайловчилар хабардор қилинсин.
2. Сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш вақти соат 9.00 дан 18.00 гача этиб, белгилансин.
3. Мазкур қарор "Тошкент ҳақиқати", "Ташкентская правда", шаҳар ва туманлар газеталарида эълон қилинсин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш округ сайлов комиссияси котиби Р. Ташходжаев зиммасига юклатилсин.

**10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Ҳ. ҲАМИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 18 ноябрь.

**«Тошкент ҳақиқати» газетасига 2017 йил учун обуна бўлишни унутманг! Нашр индекси – 205.**

Давра суҳбати

*Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Одам савдоси ва диний экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## БАРЧАГА БИРДЕК ДАХЛДОР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ички ишлар бўлимининг одам савдосига қарши кураш комиссияси аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари, коллеж ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, бугунги ахборот ва интернет оқими шиддат билан ривожланиб бораётган шароитда ўқувчи-ёшларни турли ахборот хуружларидан, диний экстремизм ва одам савдоси иллатларидан ҳимоя қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Бундай иллатларнинг олдини олиш учун, аввало, ёшларни назорат қилиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги айтилди.

Тадбирда "Оила-маҳалла-таълим муассасаси" ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шунингдек, ёшлар тарбиясига кенг жамоатчиликни жалб этиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Иштирокчиларга одам савдоси ва унинг мудҳиш оқибатлари ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.

**Ўз мухбиримиз.**

Бугуннинг гапи

*Жамият ҳаётидаги энг муҳим жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар бир фуқаро фаоллик ва масъулият билан иштирок этиши, айниқса, ёшлар ўз фикри, мустақил фуқаролик позициясига эга бўлиши лозим. Тошкент Давлат аграр университетида ўтказилган "Ёшларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим шарти" мавзуидаги маърифий тадбир айни шу мақсадда ташкил этилди.*

## САЙЛОВ МАДАНИЯТИ ВА ЁШЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси, вилоят ҳокимлиги, адлия, ички ишлар бошқармалари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда ёшларнинг сайлов ва партиялар фаолияти ҳақидаги билимларини янада ошириш, уларни сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартиришлар билан таништириш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

– Сайлов Ватанимиз тақдирини, эртанги порлоқ келажагимизни белгилаб берадиган воқеадир, – дейди университет проректори Д. Мамадиёров. – Ушбу жараёнда эртамиз эгалари бўлмиш ёшларнинг фаол иштироки жуда муҳимдир. Сайловларнинг тўлиқ демократик тамойиллар асосида ташкил этилаётгани миллий сайлов қонунчилигимизга сўнгги йилларда киритилган ўзгартиришлар самарасидир.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассис ва экспертлардан атрофлича жавоб олдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МЕНИНГ ОВОЗИМ – ВАТАНИМ КЕЛАЖАГИ

*Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи музейида "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Менинг овозим – Ватаним келажаги" акцияси доирасида ташкил этилган тадбирда сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, экспертлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳар бир фуқаро фаол ва масъулият билан иштирок этиши, хусусан, бу жараёнда ёшлар ўз фикри, мустақил фуқаролик позициясига эга бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида вилоятда 45 мингдан зиёд йигит-қиз биринчи марта овоз бериши кутилмоқда. Шу муносабат билан ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг сайловда фаол иштирокини таъминлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ МАЪРУЗАСИ



**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!**

Пойтахт вилоятининг, сиз азиз сайловчилари билан юзма-юз мулоқот қилиб турганимдан ғоятда хурсандман.

Тошкент вилояти мамлакатимизнинг саноати энг тараққий этган, қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудларидан саналади. Бу ерда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинат, "Максам-Чирчиқ", "Аммофос максам", "Оҳангарон цемент", "Бекобод цемент", "Ўзбеккўмир", "Оҳангарон шифер", "Ангрен шакари", "Ангрен қувур" сингари корхоналар мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фаолият олиб бормоқда.

Республикада саноат ишлаб чиқаришининг 15,7 фоизи, чакана савдо айланмасининг 10,8 фоизи, истеъмол моллари ишлаб чақаришнинг 12,6 фоизи, экспортнинг 13,9 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 12 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Вилоятнинг Қибрай туманида Тошкент Давлат аграр университети ва Олмалиқ шаҳридаги Навоий тоғ-металлургия институти филиалида замонавий билимларга эга етук мутахассислар тайёрланмоқда. Шунингдек, 122 та касб-ҳунар коллежлари, 7 та академик лицей, 871 та умумий таълим мактаблари ва 405 та мактабгача таълим муассасаларида вилоятнинг ўғил-қизлари таълим-тарбия олишмоқда.

Жамоатчиликка маълумки, биз ўз Сайловолди дастуримизда тарихий, маънавий ва маданий мерос объектларини асраб-авайлашни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилаганмиз. Тошкент вилоятида ҳам Зангиота ёдгорлик мажмуи, Парпи ота, Заркент ота, Имом Султон зиёратгоҳлари, Қирққиз булоғи ва Сардоба сингари халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи муқаддас қадамжолар мавжуд.

Шунингдек, Олмалиқ ёшлар боғи ва "Олтин олма" байрамлар хиёбони, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Маънавият ва маърифат боғи", Бекобод шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар истироҳат боғи пойтахт вилояти аҳолисининг энг севимли маданий ҳордиқ чиқариш ва маънавиятга ошно бўлиш масканларига айланган.

Биз ўз дастуримизда дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни етакчи вазифаларимизнинг бири сифатида белгилаганмиз. Тошкент вилоятида ҳам истиқлол йилларида соҳага қаратилган алоҳида эътибор туфайли истеъдодли спортчиларнинг янги авлоди етишиб чиқди.

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Жаҳон чемпиони Вадим Меньков, таэквондо бўйича Осиё ўйинлари ғолиблари Умида Абдуллаева ва Жасур Бойқўзиев, эркин кураш бўйича Осиё ўйинлари ғолиби Рашид Қурбонов, Рио – 2016 Олимпиадасининг олтин медаль соҳиби Фазлиддин Ғоибназаров, кумуш медаль соҳиби Элмурод Тасмуродов, Рио – 2016 паралимпиа ўйинлари олтин медали соҳиби Адил Тулендибоев халқимизнинг фахр-ифтихорига айланишди.

Истиқлол йилларида Тошкент вилояти иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Бугун пойтахт вилояти буюк келажак сари дадил одимламоқда. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси муттасил ўсиб бормоқда.

Мен шу залда ва бизни видеоконференция орқали кузатиб, тинглаётган барча сайловчиларга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдириб, **энди бевосита Сайловолди дастуримнинг асосий йўналишларини баён этаман.**

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилди. Халқимиз қалби, онг-тафаккурида фуқаролик ҳисси ва масъулияти ҳамда юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтлари таъсири ошиб, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамият ва давлат қурилиши жараёнида фаол иштирок этишлари учун қулай ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

Халқаро миқёсда эътироф этилиб, бугунги тараққиётимизнинг ҳаётий дастурига айланган беш тамойил асосида ислоҳотлар бардавомлигини таъминлаш, бошланган улуғвор ишларга жўшқин суръат бахш этиш учун мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга эришишда тўпланган тажрибалар, улкан тарихий, маданий, бой маънавий-ахлоқий қадриятлар ва анъаналар асосида жамиятда юксак ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни мустаҳкамлаш ҳамда маънавий юксалишга эришиш зарурлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Барчамизга маълумки, партиямизнинг мақсади – миллий тикланишдан миллий юксалишга эришиш ғоясини амалга ошириш, ички сиёсатда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги ошиши, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва мақсадли илгари суриш, Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишдан иборат.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этишни Сайловолди дастурига киритмоқдамиз:

жамоатчилик ва партиямиз электоратига яхши маълумки, партиямиз **маънавий-маърифий соҳани** ўзининг дастурий мақсад-вазифалари ичида етакчи ўринга қўйган. Чунки ўзлигини англаган, қадрият ва анъаналарини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутади.

Мамлакатимизда бу соҳада эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз, доимо миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғусини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берганмиз ва бундан буён ҳам ушбу ҳаётий масалалар диққат-марказимизда бўлади. **Миллий тикланиш – аввалambор, миллий ўзликни англаш демакдир.** Ушбу ғоядан келиб чиқиб, биз қуйидагиларни қўллаб-қувватлаймиз:

Халқимизнинг бетакрор ва улуғвор тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш тарафдоримиз. **Миллий манфаатлар ва миллий қадриятларимиз ҳимояси бизнинг бош вазифамиздир.**

**"Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ"** тамойили асосида халқимиз тарихини холис ва тизимли ўрганиш, бу борада ўзбек халқининг ўтмиши ва бугунги кунини баҳолашда бир ёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг тарихи бузиб, сохталаштириб талқин этилишига қарши курашамиз.

Ўзбекистонда умумжаҳон аҳамиятига молик бўлган жуда кўплаб тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликлари мавжуд. Музейлар, архивлар ва кутубхоналарда қимматли қўлёзмалар, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бундай улуғвор тарихий меросни асраб-авайлаш ва ҳисобга олиш бўйича муайян ишлар қилинган бўлса-да, ўрганишлар шуни кўрсатдики, ҳали бир қатор маданий мерос объектларимиз ҳисобга олинмаган, экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатлари тўлиқ тоифалаштирилмаган.

Ана шулардан келиб чиқиб, маданий мерос объектларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, ҳисобга олиш ишларини такомиллаштириш талаб этилади, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгиларига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларини тўлиқ тоифалаштириш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарур.

Ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси ва маданий ёдгорликлари умумжаҳон аҳамиятига молик эканлигини эътироф этган ҳолда, шаҳарларимизнинг миллий қиёфасини сақлаб қолиш учун самарали чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаш, қайта таъмирлашга кўмаклашиш ва бугунги кунгача ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига олинмаганларини унга киритиш учун фаоллик кўрсатиш асосий вазифамиздир.

Бу ва соҳадаги бошқа масалаларни ҳал этиш учун Моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, асрлар давомида буюк алломаларимиз томонидан яратилган бебаҳо маънавий дурдоналар тарих тақозоси билан чет мамлакатларда қолган ёки олиб чиқиб кетилган. Биз, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий мамлакатлар кутубхона, архив ва музейларида сақланаётган ўзбек алломалари, мутафаккирлари ва ёзувчи-шоирлари томонидан яратилган илмий ва бадиий асарлар ҳамда халқимиз тарихига оид моддий бойликларни Ўзбекистонга қайтаришда фаоллик кўрсатамиз.

Юртимизда азалдан ҳунармандчиликнинг барча турлари ривож топган. "Устоз-шогирд" анъанаси асосида давом этиб келаётган ва ўзбек халқининг юксак маданияти ва истеъдодини намойиш қиладиган ҳамда эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, миллий бадиий мактабларнинг анъаналарини сақлаб қолишни рағбатлантириш доимий диққат-марказимизда бўлади.

**"Баркамол авлод – миллат таянчи"** тамойили остида, биз, ёшлар онгини халқимизга ёт бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида, уларнинг қалби ва онгига миллий тикланиш ғоясини сингдириш, миллий маънавият ва қадриятлар руҳида тарбиялашни янада кучайтиришимиз лозим. Бунда кино, театр ва эстрада санъатида халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи, маданияти, анъаналари ва илғор урф-одатларини таъсирчан бадиий образлар орқали ифода этадиган асарларнинг дунёга келишига кўмаклашиш ҳамда уларни тарғиб қилиш асосий вазифамиздир.

Тил – миллатнинг энг олий қадриятидир. Шундан келиб чиқиб, қадимий ва бой тарихга эга, мустақиллик туфайли қадр-қиммати тикланган, ҳозирда кечаётган глобаллашув даврида замонавий тараққиётнинг барча соҳалари талабларига жавоб берадиган даражада имкониятга эга бўлган тилимиз ривожини янги босқичга кўтариш учун уни бойитиш, янада такомиллаштиришга, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш ва тўла амал қилинишига эришиш, тил маданиятини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишни етакчи вазифалардан бири сифатида кўрмоқдамиз.

Бир нарсани таъкидлашни ўринли деб биламан. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда, яъни 1993 йилда "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди. Орадан 23 йил ўтган бўлса-да, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ҳаётимизда узил-кесил ўз ўрнини топгани йўқ. Ушбу масалада саволлар ниҳоятда кўп. Биз фарзандларимизни лотин алифбоси асосида ўқитдик ва ўқитиб келаяпмиз. Лекин, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маърифий ва маънавий эҳтиёжларини зарур даражада қондириш учун фаннинг барча соҳалари, таълим, адабиёт ва матбуотда лотин ёзувига асосланган ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар етарли даражада нашр қилинаяптими? Катта авлод вакилларининг кўпгина қисми эса лотин алифбосини ўзлаштирмаган. Бу масалада авлодлар ўртасида қандайдир узилиш сезилмоқда. Мазкур муаммони жамоатчилигимиз билан бирга узил-кесил ҳал қилишимиз керак.

Ижтимоий ҳаётимизнинг кўпгина соҳаларида давлат тилининг қўлланилиши ва унинг қоидаларига риоя этилишида муаммолар бор. Хусусан, оммавий муомалада, кўчаларда жойлаштирилган ташқи ёзувларда, реклама ва эълонларда, оммавий ахборот воситаларида ҳали-ҳамон ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари қўпол бузилмоқда. Ушбу муаммо газета ва журналларда, Халқ депутатлари Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда муҳокама қилинса-да, лекин сезиларли ўзгаришлар бўлгани йўқ.

Фундаментал фанлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, саноат, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш ва шу каби ўта муҳим тармоқларда ўзбек тили ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллашига эришиш, шу мақсадда замонавий дарсликлар, этимологик ва қиёсий луғатлар яратиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб вазифа, деб ҳисоблаймиз.

**Ҳурматли сайловчилар!**

Шу ўринда яна бир муаммога эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон заминида яшаб, ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган миллий кино асарлари деярли мавжуд эмас.

Одамлар таъсирчан бадиий образлар орқали ифодаланган ва ўзбек халқининг ҳаққоний тарихи акс этган кино асарларини интиқлик билан кутишмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилаётган бадиий ва видеофильмларнинг аксарияти хорижий давлатлар тарихи, ҳарбий ва сиёсий арбоблари ҳамда олимлари ҳақидадир.

Бугунги кунда қўшни хорижий давлатлар ўзларининг миллат қаҳрамонлари ҳақида, улар жаҳон миқёсида унчалик буюк бўлмаса-да, чет элнинг етук киностудиялари билан ҳамкорликда киноасарлар тайёрлаб, дунё оммасига таништирмоқдалар. Бундай тажриба миллий ғурур ва ифтихорни ошириб, миллатни бирлаштирадиган кучли тарғибот усули ҳисобланади.

Биз, халқимизнинг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, Ўзбекистон заминида яшаб, ижод этган ва жаҳон тамаддуни тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, буюк давлат арбоблари, ҳарбий саркардалар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган киноасарларнинг яратилишида ташаббус кўрсатишимиз керак. Бу ишларни молиялаштириш, шу жумладан, хорижий киностудиялар билан ҳамкорликда, таниқли режиссёр ва актёрлар иштирокида, уни бутун дунё жамоатчилигига етказишни муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингизни жуда муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Тарихда хорижий мамлакатларда яшаб, ижод қилган ҳамда юртимизда туғилиб, тақдир тақозоси билан чет элларда вафот этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг қабрларини аниқлаш, уларнинг мангу қўним топган масканларини ободонлаштириш ишларини давлат миқёсида амалга ошириш вақти келди.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодимизнинг дунёқарашини шакллантиришдаги ўта муҳим имкониятларидан фойдаланиб, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялаш ҳамда миллий манфаатларимизга зид бўлган ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, бу йўналишда тайёрланадиган фундаментал асарларни босмадан чиқариш ва уларнинг оммавийлашувини қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий чора-тадбирларни белгилаймиз.

Жамият, оила ва таълим тизимида ёш авлодни китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи, маънавий-маданий меросига доир адабиётларни нашр этиш билан шуғулланаётган муаллифлар, босмахоналар, нашриётларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш, уларга солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар берилишига эришмоғимиз лозим.

Театр инсоннинг маънавий камолоти, шахснинг диди ва тафаккурини тарбиялашда ҳамиша муҳим ўрин тутган. XX аср бошида ўзбек зиёлилари халқни миллий уйғотишни айнан театрлар ташкил этишдан бошлаганликлари ҳам бежиз эмас. Ўша даврда "театр – ибратхонадир" деган чуқур маъноли ҳикмат орқали саҳна санъати миллатимизнинг аслида киму амалда қай аҳволдалигини кўрсатиб берган.

Бугунги глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий қадрият ва анъаналарини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидни тарбиялашда театрнинг ўрни яна бекиёс аҳамият касб этмоқда. Бироқ, театр санъатига қизиқиш ҳавас қиларли даражада эмас. Театр заллари кўпинча томошабинлар билан ярим тўлган аҳволда бўлади.

Биз маънавий-маърифий ҳаётимизни янада ривожлантириш тарафдори эканмиз, театрга томошабинларни қайтариш учун, энг аввало, замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда бадиий жиҳатдан юксак маҳорат билан саҳналаштирилган спектаклларни кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш ва, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилишига эришишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Маълумки, давлат ва жамият ҳаётида **сиёсий ва суд-ҳуқуқ** масалалари муҳим ўрин тутади. Шу боис, биз бу борада мавжуд давлат ва сиёсий тизимни янада мустаҳкамлаш, миллий ғоя, жамиятимизнинг ахлоқий ва маънавий асослари устуворлигини таъминлашни муҳим вазифаларимиздан бири сифатида белгиламоқдамиз. **Бизнинг бош мақсадимиз – замонавий ривожланган демократик давлат қуришдир.**

Жамиятда ҳукм сураётган ва халқимизга хос бағрикенглик, миллати, дини, ижтимоий ҳолати ва келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи, барча фуқароларнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашни истиқлол йилларида вужудга келган қадриятларимиздан бири сифатида эътироф этамиз ва уни янада барқарор ривожлантирамиз.

Шу билан бирга, асрлар давомида ўзбек халқининг эзгу ва илғор анъаналари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида янада такомиллаштириш керак. Унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда ролини кучайтиришни давом эттирамиз.

Барчамизга маълумки, истиқлол йилларида **суд-ҳуқуқ соҳасини** тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш борасидаги устувор вазифалар қуйидагилардан иборат:

– жамиятда мустаҳкам барқарорлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, Конституция, инсон ҳуқуқлари ва демократия асосларини узлуксиз ўрганиш тизимини ривожлантиришга қаратилган тизимли ва изчил чораларни кўриш;

Давоми 3-бетда.

# ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД САРВАР ОТАМУРАТОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Бошланиши 2-бетда.

– миллий қадрият ва халқимизга хос фазилат ҳамда анъаналардан келиб чиқиб оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, шу жумладан, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш ва муроса йўлини излаш фуқароларимиз манфаатларига жавоб беради. Шунингдек, юқоридаги масалаларда ва фуқароларнинг серташвиш суд мажлисларига хоҳиш-истагининг йўқлигини инобатга олиб, бу борада маҳалла, васийлик ва ҳомийлик органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Ҳурматли сайловчилар!**

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги ошишида иқтисодиёт ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши тушунамиз. **Иқтисодиёт соҳасида** партиямиз – **"Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши – иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир",** деган шиорни илгари сурмоқда. Ушбу соҳада эса қуйидаги вазифаларни амалга оширамиз.

Иқтисодиётга XXI аср талаблари ва тафаккури асосида ёндашувни амалга ошириб, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатимизнинг турли минтақаларида фаолият юритиб, истиқболли ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналарга солиқ ва мажбурий тўловларда имтиёзлар бериш йўли билан маҳаллий саноат самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштиришга эришишни мақсад қилдик.

Дунё бозорида рақобатдош ҳамда миллий иқтисодиётимиз тимсолига айланадиган трансмиллий компанияларни шакллантириш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш ва хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқараётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилишига эришишимиз керак.

Бу ерда яна битта муҳим масалага тўхталмоқчиман. Кўпчилик яхши биладики, Ўзбекистон нафақат тўғридан-тўғри дунё денгизларига чиқа олмайди, балки, тўғридан-тўғри денгизга чиқадиган давлат билан чегарадош ҳам эмас. Дунёда ана шундай мураккаб географик ўринда жойлашган икки мамлакатдан бири Ўзбекистондир. Яна бир нарсани яхши биламизки, дунёда энг арзон йўл, бу – денгиз йўлидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда транспорт хизматларининг нархи юқори. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда 20 тонна маҳсулотни 500 км. масофага автомобилда ташиш таннархи Ўзбекистонда 1 км. учун 1,75 долларни ташкил этмоқда. Таққослаш учун қўшни давлатларда бу кўрсаткич 0,7 доллардан 1,3 долларгача миқдорни ташкил этади.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар билан бир қаторда, логистика инфратузилмасининг суст ривожлангани, миллий маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқишда талаб этиладиган ҳужжатларнинг кўплиги, уларни кўриб чиқиш муддатларининг узоқлиги ва қимматлиги муаммоси ҳам мавжуд. Буларнинг барчаси мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилмоқда ва ташқи бозорда маҳсулотларимизнинг таннархи сунъий ошишига олиб келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, биз транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланувчи компанияларга имтиёзлар яратиш, йирик юк ташувчи автомобилларни лизингга бериш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, божхона хизматлари нархини камайтириш ва чегарадан ўтиш тартибини соддалаштириш юзасидан иш олиб борамиз.

Миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза этиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтиришни долзарб вазифамиз, деб биламиз.

Биз халқимизнинг ва, айниқса, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий ва сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, уларга маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлайдиган замонавий технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаймиз.

Давлат компаниялари ва давлат улуши устунлик қиладиган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти шаффофлигини таъминлаш орқали уларнинг иш юритиш самарадорлигини ошириш, ички хусусий инвестицияларни миллий иқтисодиётга йўналтиришни янада кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Соҳадаги яна бир муҳим масала – миллий иқтисодиёт ривожи етук мутахассис-кадрларга боғлиқ эканлигини англаган ҳолда, замонавий билим ва малакага эга инженер-техник, молия-иқтисод, корпоратив бошқарув менежментлари, ахборот технологиялари соҳасида дастурчиларни тайёрлашни тубдан кучайтириш ва мазкур соҳаларда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарур.

Маълумки, Ўзбекистон кўп асрлик тарихга ва нодир маданий-тарихий меросга эга. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда улкан салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради.

Туризм иқтисодиётнинг ривожланиш жараёнини янада тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита бўлиб хизмат қилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб оладиган комплекс чора-тадбирлар режасини амалга оширишни таклиф этамиз:

Энг аввало, сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланиши, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлиши, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ҳамда сайёҳлик логистикасини такомиллаштириш ва сайёҳлик индустрияси билан боғлиқ хизматларнинг турли соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш асосий вазифага айланмоғи лозим.

Хорижий меҳмонлар ва мамлакатимиз аҳолиси учун юртимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида, халқаро аэропортлар, вокзалларда кўрсатилаётган сервис ва хизматлар сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бундан ташқари, алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишга барча имкониятларни сафарбар этамиз.

Бугун бутун дунёда одамларни ўйлантираётган ва қизиқтираётган масалалар ичида ижтимоий муаммолар алоҳида ўринда турибди. Шу боис, биз аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишни **ижтимоий соҳадаги** стратегик мақсадимиз сифатида белгиладик. Шундан келиб чиқиб, асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

Ҳаммамиз яхши биламизки, бугун жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтириш энг асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида ўсмирларга соғлиқ учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни тақиқлаш ва бу борада маърифий-тушунтириш ишларини тизимли йўлга қўйиш лозим. **"Халқи соғлом ва баркамол бўлган мамлакат кучлидир!"** тамойилининг амал қилишини изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Шу ўринда ҳаётимизда мавжуд яна бир муаммога эътибор қаратишни истайман. У ҳам бўлса, вояга етмаганлар ўртасида турмуш қуриш ҳолатлари ҳали-ҳамон учраб турганлигидир. Эрта турмуш ва эрта туғуруқларнинг олдини олиш борасида аниқ ва таъсирчан чоралар кўриш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари, жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолида эрта никоҳга нисбатан муросасизлик туйғусини шакллантиришимиз лозим.

Оила ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш бўйича кенг кўламли ишларни изчил давом эттириш мақсадида қонунчилигимизни янада такомиллаштирамиз. Зеро, **буюк аждодларга баркамол авлод муносиб!**

Қурилиш ва безак ишларида миллий меъморчилик анъаналари ва илғор хорижий тажрибани қўллаш, тарихий шаҳарлар ва очиқ осмон остидаги музейларни қайта таъмирлашга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга ошириш сиёсатининг изчил давом этишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Эътиборларингизни ҳаётимизда тез-тез учраб турадиган ва барчамизга яхши таниш бўлган бир муаммога қаратмоқчиман, янада очиқроқ айтганда, бу масала кўпроқ шаҳар аҳолиси турмушига дахлдор. Кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилиши ҳолатлари одатий тус олмоқда. Одамлар моддий фаровонлиги ошгани сайин уй-жойини замонавий андозалар асосида таъмирлаш, кенгайтиришга берилиб кетади. Хавфсизлик масаласига эса эътибор бермайди. Уйни ушлаб турган устунларни бузиб бўлса-да, хонадонини кенгайтирмоқчи бўлади: кўп қаватли уйда мендан бошқа ҳам одамлар бор, бу уй менинг хусусий мулким эмас, деган нарсалар хаёлига ҳам келмайди.

Бундай муаммонинг келиб чиқишига уй-жой соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш тартиби ва конкрет механизми бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги сабабдир.

Мазкур муаммони ҳал қилиш учун республикамизнинг барча бурчакларида, айниқса, кўп қаватли уйларда, уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш норма ва қоидалари бузилишининг олдини олиш, шаҳарларимизнинг архитектура қиёфасини янада яхшилаш мақсадида уй-жой соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Маҳалланинг фуқаролар, ўғил-қизлар ва ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарур.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратиб, шуни айтиш лозимки, болалар, аёллар, шунингдек, оғир касалликлар, жумладан, одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган хасталиклар (ОИВ/ОИТС)дан азият чекувчи шахсларга самарали ёрдам кўрсатишни изчил давом эттириш биз учун муҳим вазифадир. Шу билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш керак, деб ҳисоблаймиз.

XXI аср – ахборот асри сифатида майдонга чиққанлигини ҳисобга олиб, **ахборот соҳасида** миллий манфаатларимиз халқимиз маданияти ва маънавиятининг ўзига хослигини сақлашни таъминлашга қаратилган миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Мазкур вазифани амалга оширишда қуйидаги масалалар долзарб аҳамиятга эга.

Миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш, миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишни бугуннинг энг долзарб вазифаси, деб ҳисоблаймиз. Ривожланган миллий ахборот макони – мустаҳкам тараққиёт пойдевори эканлигини ҳисобга олиб, унинг изчиллик билан такомиллашувига эришиш лозим.

Ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳити, самарали ахборот-таълим маконини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишга барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз. Бундан ташқари, ижтимоий онгда миллий ғоя шаклланиши ва ривожланиши жараёнларини ахборот жиҳатидан таъминлашни янада кучайтириш олдимизда турган долзарб вазифадир.

**Муҳтарам сайловчилар!**

Яқинда олимпиадачиларимиз ва паралимпиячиларимиз эришган оламшумул ғалабалар бутун халқимиз ва миллатимизнинг ғурурини осмон баробар кўтариб, фуқароларимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Дарҳақиқат, **"Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди"** тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш етакчи вазифамиздир.

Бунда, энг аввало, жаҳон миқёсида ўзбек спортчилари эришаётган оламшумул ютуқларнинг халқ ва миллат ғурури ўсишига хизмат қилиши, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда одамларни ягона мақсад сари бирлаштирувчи хусусиятини тизимли равишда кенг тарғиб қилиш, Ватанимиз ифтихорлари бўлган спортчилар ҳаёт йўли ҳақида тарбиявий аҳамиятга эга ҳужжатли ва бадиий фильмлар, илмий-оммабоп асарлар яратишни янада кучайтиришимиз керак.

**"Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт қудратли бўлур"** шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш даркор.

Биз миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ва бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида халқаро Кураш федерацияси, Халқаро ва Миллий Олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлашни бу борадаги энг асосий вазифамиз, деб биламиз. Биз ўзбек курашининг Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олиши учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этиб, бу улуғвор мақсад учун охиригача курашамиз.

Дастурнинг пировардида ташқи сиёсат борасидаги вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Ташқи сиёсат соҳасида** биз Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслигини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини бугунги мураккаб шароитда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётган бир вазиятда амалга оширмоқда, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, унинг маънавий-ахлоқий анъаналари ва қадриятлари, жаҳон маданиятига қўшган беқиёс ҳиссаси республиканинг замонавий халқаро муносабатларда, фаол ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий фаолиятда тенг ҳуқуқли субъектга айланишининг асосий ва муҳим воситаси бўлди.

Ташқи сиёсат ва давлат бошқарувининг бошқа органлари фаолияти доирасида миллий манфаатларнинг қатъий ҳимоя қилинишини таъминланишига эришишимиз шарт. Бизнинг шиоримиз – **миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун.**

Халқимиз маданияти ва санъати ютуқларини кенг миқёсда тарғиб этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини ҳар томонлама мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Фуқароларимиз ва юридик шахсларнинг хорижий давлатларда ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳим вазифамизга айланмоғи керак.

Инсоният тамаддунининг қадимги трансчегаравий йўналиши бўлган Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи, иқтисодий, сиёсий ва маданий-инсонпарварлик соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини институционал мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим ўрин тутадиган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш, кучли "Буюк Ипак йўли" брендини илгари сурамиз.

**Азиз дўстлар!**

**Бизнинг асосий ғоямиз – Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари, халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг бундан буён ҳам гуллаб-яшнашига бор куч-қудратимизни бағишлаш орқали жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир.**

**Биз учун ягона ва устувор мақсад, бу – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.**

Эътиборингиз учун раҳмат!






## 101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Республикада 2016 йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январига қадар "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ўтказилмоқда.*

Ушбу тадбир доирасида вилоятимизнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда давлат аҳамиятига молик объектларда хавфсизликни таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётганига қарамай, вилоятимиз ҳудудида 9 ноябрдан 15 ноябрга қадар 31 та ёнғин содир бўлиб, унинг 27 таси аҳоли уй-жойларига тўғри келди ва туражжой эгаларига катта миқдорда моддий зарар етказди.

Мазкур ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда, ўн уч ҳолатда оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, олтитаси электр симларининг қисқа туташуви, тўрт ҳолатда печларни қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бузилиши ҳамда саккизтаси ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида юзага келгани маълум бўлди.

Содир бўладиган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида вилоятимиз фуқароларидан "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" тадбирларида фаол иштирок этишларини сўраймиз.

**Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.**

## Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йил 21 декабрь соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади



1. ВХ-510 "Қўйлиқ АШБ – "Чорбоғ" ЧСШ" (такрорий)
2. ВХ-403 й.т. "Хондайлиқ қишлоғи – Ғазалкент АШБ – Чирчиқ АББ" (такрорий)
3. ВХ-306 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси – Халқобод қўрғони" (такрорий)
4. ВХ-308 "Янгийўл шаҳри – Отажонов ф/у" (такрорий)
5. ВХ-346 й.т. "Болта (Жунсиз)" маҳалласи – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
6. ВХ-347 й.т. "Жалолтепа" маҳалласи – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
7. ВХ-382 "Янгибозор АШБ – Бўстон қишлоғи" (такрорий)
8. ВХ-444 й.т. "Тўйтепа АББ – ТошДАД – Навоий ф/у" (такрорий)
9. ВХ-445 й.т. "Қўйлиқ АШБ – Бешбой ф/у" (такрорий)
10. ВХ-596 й.т. "Олмалиқ АШБ – А. Икромов ҚФЙ" (такрорий)
11. ВХ-609 й.т. "Янгибозор АШБ – Бўстон қишлоғи" (такрорий)
12. ШИ-2 "Фарҳод ГЭС" – УМК ЭСПК" (Бекобод ш.) (такрорий)
13. ВХ-557 й.т. "Қизилсув" маҳалласи – Ғазалкент АШБ" (такрорий)
14. ВХ-233 "Янгийўл деҳқон бозори – Эшонобод ф/у" (такрорий)
15. ВХ-296 "Янгийўл АШБ – Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
16. ВХ-635 й.т. "У. Юсупов бўлими – Янгийўл деҳқон бозори" (такрорий)
17. ВХ-548 й.т. "Ғазалкент АШБ – Хумсон қишлоғи" (такрорий)
18. ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
19. ВХ-299 "Дўстобод АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
20. ВХ-282 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – Халқобод – Штаб канали" (такрорий)
21. ВХ-283 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – "Қуштепа" маҳалласи" (такрорий)
22. ШИ-22 й.т. "8-кичик ноҳия – Пойабзал фабрикаси" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
23. ВХ-508 й.т. "Қибрай туғуруқхонаси – Крупская қўрғони" (такрорий)
24. ВХ-509 й.т. "Чирчиқ АББ – ТТЗ АШБ" (такрорий)
25. ВХ-318 й.т. "Йилқичи" МФЙ – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
26. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧСБ – Мавлонов ф/у" (такрорий)
27. ВХ-398 й.т. "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ" (такрорий)
28. ВХ-226 й.т. "Янгийўл АШБ – Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
29. ШИ-1 й.т. "Айланма (Кольцевая)" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
30. ШИ-11 й.т. "Катта айланма" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
31. ВХ-484 й.т. "Г. Умаров ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ" (такрорий)
32. ВХ-535 й.т. "Наврўз" маҳалласи – ТошДАУ – "Чувалачи" маҳалласи" (такрорий)
33. ВХ-457 й.т. "Саноат" маҳалласи – Юнусобод 9-даҳа" (такрорий)
34. ВХ-487 й.т. "Шўро бозори – Юнусобод 12-мавзеси" (такрорий)
35. ВХ-473 й.т. "Чувалачи ҚФЙ – "Дўстлик" маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ" (такрорий)
36. ВХ-622 й.т. "Қўйлиқ АШБ – "Иттифоқ" маҳалласи" (такрорий)
37. ВХ-298 й.т. "Халқобод қўрғони – Ниёзбош қишлоғи" (такрорий)
38. Битта пакет билан:
ВХ-301 "Оққўрғон АШБ – Сегизбоев ф/у"
ВХ-310 й.т. "Оққўрғон деҳқон бозори – Янги ҳаёт ҚФЙ, Охунбобоев бўлими"
ВХ-311 й.т. "Оққўрғон деҳқон бозори – Дўстобод деҳқон бозори" (такрорий)
39. ШИ-16 й.т. "Қалмоққир бошқармаси – 80-сонли интернат мактаби" (Олмалиқ) (такрорий)
40. ШИ-21 й.т. "Тиббиёт коллежи – Ойдин марказий бозор – Қалмоққир станцияси" (Олмалиқ) (такрорий)
41. ШИ-28 й.т. "У. Носир номли маҳалла – Аммофос ОАЖ" (Олмалиқ) (такрорий)
42. ВХ-428 й.т. "Кўқоновул" маҳалласи – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
43. ШИ-30 й.т. "Гагарин кўчаси – Олмалиқ ЙҲХБ" (Олмалиқ) (такрорий)
44. ШИ-1 й.т. "Ангрен АШБ – "Янги Боғисурх" маҳалласи" (Ангрен) (такрорий)
45. ВХ-223 й.т. "Янгийўл шаҳар бозори – Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
46. ВХ-308 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Отажонов ф/у" (такрорий)
47. ВХ-309 й.т. "Оққўрғон АШБ – Янгийўл деҳқон бозори" (такрорий)
48. ВХ-429 й.т "Дўстлик ф/у – Қўйлиқ АШБ" (такрорий)
49. ВХ-436 й.т. "Пискент АШБ – "Қўрғонтепа" маҳалласи" (такрорий)
50. ВХ-466 й.т "Абдураҳмонов ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ" (такрорий)
51. ВХ-610 й.т. "Сочжарис қишлоғи – Марказий шифохона" (такрорий)
52. ВХ-636 й.т. "Тинчлик қишлоғи – Эркин ҚФЙ, Зангиота ХООБ орқали" (такрорий)
53. ВХ-637 й.т. "Агросаноат ва иқтисодиёт КҲК – Суркент ҚФЙ – Паррандачилик фабрикаси" (такрорий)
54. ВХ-638 й.т. "Бекобод АББ – Ғалаба ф/у" (такрорий)
55. ВХ-639 й.т. "Навоий ф/у – Бекобод АББ – Зафар АЧСБ" (такрорий)
56. ВХ-640 й.т. "Зафар АЧСБ – Бекобод АББ (232 пикет орқали)" (такрорий)
57. ВХ-641 й.т. "Кориз қишлоғи – Олмалиқ БТИ" (такрорий)
58. ВХ-642 й.т. "Бўка АШБ – Пискент АШБ (Сувти орқали)" (такрорий)
59. ВХ-643 й.т. "Дархон" маҳалласи – Тўйтепа АББ" (такрорий)
60. ВХ-644 й.т. "Чирчиқ АББ – Оқтош қишлоғи" (такрорий)
61. ВХ-475 "Ғиштқўприк" маҳалласи – Шаҳристон" (такрорий)
62. ВХ-593 "ТошГРЭС – Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
63. ВХ-538 "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи" (такрорий)
64. ВХ-570 "Чирчиқ АББ – "Ғишт кўприк" маҳалласи" (такрорий)
65. ВХ-554 й.т. "Ғазалкент АШБ – Чорвоқ қўрғони" (такрорий)
66. ВХ-540 "Ғазалкент – Бурчмулла қишлоғи" (такрорий)
67. ВХ-402 й.т. "Марказий шифохона – Хондайлиқ қишлоғи" (такрорий)
68. ВХ-626 й.т. "Қизил тут – "Истиқлол" МФЙ"
69. ВХ-575 й.т. "Чиноз – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
70. ВХ-538 й.т. "Чирчиқ АББ – Айдарали қишлоғи"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили:**
**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ҳисоб рақамига АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Чилонзор бўлими, ҳ/р 20210000304661167001 (банк коди 00427, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 296 минг 730 сўм миқдорида пул ўтказиб, 2016 йил 16 декабрь соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2016 йил 20 декабрь соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон: (+99871) 279-39-22.**



### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19 ноябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, кечқурун қорга айланиши мумкин. Шарқдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Шамол тезлиги секундига 17-22 метргача кучайиши мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси ва кундузи 3-8 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда кучли ёғингарчилик бўлиши мумкин. Ҳаво ҳарорати кечаси ва кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.


**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ангрен шаҳар СИБ томонидан ФИБ 2016 йил 15 майдаги 9386/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Булоқбоши кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 0,1036 кв.м. "ЕТ ва кмк"нинг 03.09.2015 йил куни TV 002462-сонли гувоҳномасига асосан, 0001-рақамли литерларда жойлашган нотурарбино иншоотлар қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 164 968 022 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 19 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 16 декабрь куни соат 16.00 гача.

Кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги ҳ/р.: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-78-96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия RR-0001.

**"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 7 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Пискент тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 13.02.2016 йилдаги 742/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1986 йилда и./ч., д/р. 10 G 322 DA, "ВАЗ-21013" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 3 303 364 сўм. 2. 19.09.2012 йилдаги 5893/94-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1978 йилда и/ч., д/р. 10 X 66 05, "ГАЗ-533" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 3 808 304 сўм. 3. 18.02.2015 йилдаги 1207-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1978 йилда и/ч., д/р. 10 К 280 КА, "Москвич-412" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 1 138 008 сўм. 4. 702-сонли ижро ҳужжати юзасидан, д/р. 10 R 830 ВА, "ВАЗ-2108" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 1 733 417 сўм. 5. 20.11.2013 йилдаги 4538-сонли ижро ҳужжати юзасидан, 1982 йилда и/ч., д/р. 10 U 459 GA, "Камаз" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 7 020 000 сўм.

Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда: 1. 30.10.2015 йилдаги бирлаштирилган ижро ҳужжатларига асосан, 2013 йилда и/ч., д/р. 10 290 ХАА, "Спарк" русумли автотранспорт, бошланғич баҳоси – 30 363 900 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва молмулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 декабрь кунидаги аукцион савдоси учун 5 декабрь соат 16.00 гача. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефонлар: (371) 233-61-44, (+99895) 146-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

**"AUTO MEGA TRADE" МЧЖбошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига йидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан такроран 2016 йил 3 май кунидаги 10755/13-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўк-терак матлубот инвест" МЧЖ омборида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамисиз, "Мерседес бенц S 500" русумли, бошланғич баҳоси – 174 008 700 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани СИБ томонидан, 2016 йил 24 июнь кунидаги 10-1604/2881-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Наманган вилояти, Поп тумани, Чодак ҚФЙ манзилида сақланаётган, "бетон қоришмаларини ишлаб чиқариш ускунаси ва унинг лабораторияси ҳамда бетон ётқизиш машинаси" савдога қўйилмоқда, бошланғич баҳоси – 9 092 643 736 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 26 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 9 декабрь куни ўтказиладиган савдоларга 7 декабрь соат 16.00 гача; 26 декабрь куни ўтказиладиган савдоларга 23 декабрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО 01101, ИНН 303877274. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-А уй. Тел.: (0371) 239-29-40. Сайт: www.avtomegatrade.uz.

Гувоҳнома № 009293.

**"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 2016 йил 9 июндаги ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент-2, "Mariam Textil Servis" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган "Ваз-21013" русумли, давлат рақами 10 X388 JA бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, ранги қизил, техник ҳолати носоз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич баҳоси -2 558 014 сўм, 36 тийин.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 декабрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 21 декабрь соат 18.00 гача. Автотранспорт воситаси билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" АЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р.: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

Гувоҳнома № 001580.

**"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!**

2016 йил 6 декабрь куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига 06.04.2015 йилдаги 9500/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган, Ангрен шаҳар ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 2 527 812 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., д/р. 10P683FA, "ВАЗ-21063" р-ли ав-на такроран чиқарилмоқда. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "InfinBANK" банкдаги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел.: (+99895) 193-74-96.

Гувоҳнома № 005148.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Электрон почта:** thaqiqat@umail.uz

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Холмурод САЛИМОВ**
Назоратчи мусаҳҳиҳ **Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-7521. Адади 6947. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

*"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.00.